

Устозларга эҳтиром



12:57 / 01.10.2024 1514

Устоз ва мураббийларни ҳурмат қилиш, уларни қадрини кўтариш диннинг шиорларидан биридир. Зеро, олиму уламоларни эъзозлаш ва ҳурмат қилиш динимиз кўрсатмаси ҳисобланади.

لَأَقْرُبَنَعْ لِلْيَضْرِبَسَنْأَنْعَ
هَلْلَالِيْلَصْهَلْلَوْسَرَلَّا
عَانِمَأْعَامَلَعَلَا» : مَلَسَوْهِيَلَعَ
هَاوَرَ . «هَقْلَخَهَلَلَا
يَطْوِي سَلَا

«Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Олимлар Аллоҳнинг ишончли ва омонатдор бандалари**дирлар», дедилар».

Суютий ривояти.

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларга таълим берадиган олимларни бу қадар олий мақомга құттармаяптилар. Устозлар инсониятни яхшилик сари етакловчи йўлбошчидир.

Мусо алайҳиссалом пайғамбар бўлишларига қарамай, Аллоҳ томонидан илм ато қилинган Хизр алайҳиссаломга эҳтиром кўрсатиб, мулойимлик ва хокисорлик билан: «Сизга билдирилган билимдан, менга ҳам тўғри йўлни таълим беришингиз учун сизга эргашсам майлими?», деганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан илм олар эдилар. У киши устозлари Зайд розияллоҳу анҳунинг эшиги олдига келиб, устозларини чақирап, агар чиқмасалар эшиклари олдида кутиб турар эдилар. Бир куни устозларининг чиқишини кутиб эшиклари олдида ухлаб қолдилар. Бироз ўтиб шамол кўтарилиб чанг тўзон бўлди. Шунга қарамай Ибн Аббос розияллоҳу анҳу уйларига қайтмасдан устозларини чиқишини кутиб турдилар. Узок вақт кутганларидан шамол кўтарган қумлар у кишининг қулоқларига кириб кетган эди. Лекин илмга чанқоқ Ибн Аббос жойларидан силжимадилар. Маълум вақт ўтгач Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу уйларидан бир юмуш учун кўчага чиқмоқчи бўлдилар. Қарасалар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суюкли жиянлари Ибн Аббос розияллоҳу анҳу соchlари тўзиган, чанга беланган ҳолда эшик олдида турибдилар. Ташифнинг сабабини сўрадилар. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Илм олиш учун келган эдим», дедилар. Шунда Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу хижолат бўлиб, « Эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жиянлари, агар одам жўнатганингизда ўзим уйингизга борар эдим. Сиздек улуғ зотларга биз бориб дарс беришимиз керак», дедилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Йўқ. Илм олиш учун устозлар эшиги олдига келишга буюрилганмиз», деб жавоб бердилар.

Шундай экан, ҳар бир шогирд илм берган ўқитувчисини, касб-хунар ўргатган устозини ҳурмат қилиши, уларнинг ҳаққига дуойи хайрлар қилиб, яхшиликлар тилаши лозим бўлади.

Аллоҳ таоло бизларга таълим берган ва касб-хунар ўргатган барча устоз ва мураббийларимиздан Ўзи рози бўлсин!

Хуршид Маъруф тайёрлади